# VIII. ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БОЗОРИ

Савдо корхоналарининг чакана савдо айланмаси ҳажми 2019 йил январь-сентябрь ойларида 6 894,6 млрд.сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 108,3 %га ошган.

Якка тартибдаги тадбиркорликнинг жами чакана савдо ҳажми жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида 6 048,5 млрд.сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 103,6 %га етган.

Жами чакана савдо айланмасидаги йирик корхоналар улуши 12,3 %ни, кичик корхона ва микрофирмалар 21,5 %ни, савдо фаолияти билан шуғулланувчи жимоний шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар 66,2 %ни ташкил этди.

**Чакана савдо товар айланмаси таркиби,** % да
*(2019 йилнинг январь-сентябрь)*



**2019 йил январь-сентябрда чакана савдо айланмаси таркиби**

| | *млрд. сўм* | *2018 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан, % да* | *Умумий ҳажмга нисбатан, % да* |
|---|---|---|---|
| **Чакана товар айланмаси** | **6 894,6** | **108,3** | **100,0** |
| *шу жумладан:* | | | |
| Йирик савдо корхоналари | 846,1 | 161,0 | 12,3 |
| Кичик корхона ва микрофирмалар | 1 482,1 | 105,1 | 21,5 |
| Якка тартибдаги тадбиркорлик | 3 864,8 | 103,1 | 66,2 |

**Чакана савдо айланмаси таркиби**
*(умумий хажмга нисбатан, фоизда)*




## Ҳудудлар кесимида чакана савдо ҳажми

**(2019 йилнинг январь-сентябрь)**

| | Жами | | | Аҳоли жон бошига | |
|---|---|---|---|---|---|
| | Млрд, сўм | 2018й январь-сентябрь ойларига нисбатан, % да | жами чакана савдо ҳажмига нисбатан, % да | минг сўм | 2018й январь-сентябрь ойларига нисбатан, % да |
| **Наманган вилояти** | **6 894,6** | **108,3** | **100,0** | **2 485,3** | **106,2** |
| Наманган ш | 2 58,0 | 107,1 | 40,0 | 4 467,1 | 104,9 |
| *туманлар:* | | | | | |
| Мингбулоқ | 135,0 | 104,1 | 2,0 | 1 088,2 | 101,9 |
| Косонсой | 430,3 | 104,8 | 6,2 | 2 093,0 | 102,5 |
| Наманган | 331,8 | 102,7 | 4,8 | 1 884,2 | 100,4 |
| Норин | 408,3 | 101,4 | 5,9 | 2 529,5 | 99,6 |
| Поп | 416,8 | 106,6 | 6,0 | 1 925,2 | 104,8 |
| Тўрақўрғон | 467,4 | 108,1 | 6,8 | 2 101,8 | 105,9 |
| Уйчи | 251,4 | 104,0 | 3,6 | 1 200,6 | 101,8 |
| Учқўрғон | 313,6 | 126,3 | 4,5 | 1 851,3 | 124,0 |
| Чортоқ | 363,1 | 124,3 | 5,3 | 1 852,3 | 121,9 |
| Чуст | 660,1 | 116,2 | 9,6 | 2 524,2 | 114,0 |
| Янгиқўрғон | 358,8 | 102,6 | 5,2 | 1 673,5 | 100,6 |

Умумий овқатланиш соҳасининг товар айланмаси 99,9 млрд.сўмга етди ёки 2018 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан 113,4 % га ўсди.

Чакана савдо (умумовқатланиш фаолиятини қўшган ҳолда) аҳоли жон бошига нисбатан ҳисоблаганда 6,2 % га ошди ва 2 485,3 минг сўмни ташкил этди. 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида чакана савдо товар айланмаси 6 894,6 млрд.сўмни ёки 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 108,3 %ни ташкил қилди. Йирик корхоналарнинг чакана савдо товар айланмаси 846,1 млрд.сўмни ва умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши 12,3 %ни ташкил қилди.

Кичик корхона ва микрофирмаларнинг чакана савдо товар айланмаси 1 482,1 млрд.сўмни ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 105,1 %ни ташкил этди. Умумий чакана савдо товар айланмасидаги улуши эса 21,5 %ни ташкил қилди.

Умумий товар айланмаси ҳажмида 3 864,8 млрд.сўм якка тартибдаги тадбиркорлар ҳисобига тўғри келди ва ўсиш суръати 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 103,1 %ни ташкил этади. Жами чакана савдо товар айланмаси ҳажмида ушбу сектор улуши 66,2 %ни ташкил этади.